



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 23 октябрь, № 224 (7726)

Жума

Сайтимизга ўтти учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ ҲАЁТИЙ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган пресс-турда журналист ва блогерлар Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманидаги бир неча йирик корхоналар, Оқолтин, Мирзаобод ҳамда Сардоба туманларининг Сардоба сув омборида юз берган техноген ҳодисадан талафот кўрган ҳудудларида жуда қисқа муддатда амалга оширилган улкан иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар, таъмирлаш-бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Бугун Сардоба сув омбори этагидан юрган борки, аввало, йўлларнинг раволигига тасанно айтади. Таъмирланган ва янги қурилган йўллар четида эса барака манзаралари — пахта терими жараёни, кечки экинлар таровати бу кенгликларда аллақачон ҳаёт ўз изига тушиб кетганлигидан далолат беради. Ҳа, ўша сув босган далалардан ҳам шу йилнинг ўзидаёқ ҳосил олинди, синовли паллада она замин ҳам ўз саховатини аямади.

Жараён



Энди Дўстликда ҳам саноат бор

Очиғи, аввал Мирзачўл бағрида ташкил этилган ҳўжаликлар марказлари бир хил лойиҳада қурилгани боис уларнинг қиёфасини фарқлаб бўлмасди. Сардоба туманидаги Дўстлик маҳалласи ҳам ана шундай такрорий тусда эди. Муболага эмас, шу кунларда ушбу манзилга келган киши бу қишлоқни танимай қолиши, шубҳасиз. Энди аслида Дўстликни қишлоқ ҳам деб бўлмайди. Негаки, бутун бир шаҳарча келбатиға тенг қатор-қатор кўп қаватли уйлар, текис йўл ва йўлақлар хиёбонлар, бутун маҳаллани нурафшон қиладиган ёриткичлар... Хуллас, янги қурилган ҳамда янгиланган нима борки, барчаси замонавий, аҳоли орзу қилганидан-да аъло ва қўрқам.

“Сардоба Оқсарой текстиль” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тайёр ҳамда хом трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси эса Дўстликни саноатлашган маҳаллага айлантирди. Корхона лойиҳасининг би-



ринчи навбатида 500 нафар, кейингисиде эса яна шунча киши ишга қабул қилинади. Айчурек Абдурашидова шу вақтгача уйда тикувчилик қилиб юрган экан. Энди мазкур фабрикада ишлайдиган бўлибди.

— Ҳозир тикувчилик бўйича малака ошириш учун ўқув-амалий машғулотларда қатнашганман, — дейди Айчурек Абдурашидова. — Шу билан бирга, тажрибали чеварлардан замонавий тикув услубларини ҳам ўрганаётганман.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Қашқадарё вилоятида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1832,2 минг нафар, иқтисодий фаол аҳоли — 1304,6 минг нафар, банд аҳоли — 1129,2 минг нафар. Шундан иқтисодиётнинг расмий секториде банд аҳоли 37,7 фоиз, норасмий секторда эса 62,3 фоизга тенг. Вилоятда ишсиз фуқаролар 175424 нафар бўлиб, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 13,4 фоизни ташкил этади.

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси тадбирида шу ҳақда сўз юритилди. Унда қўмита томонидан назорат тартибиде ўрганилган масала — ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида акратилган Давлат бюджети маблагларининг тўғри ва самарали сарфланишининг Қашқадарё вилоятидаги ижроси натижалари муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, вилоятда ўтган саккиз ой давомида ишсиз фуқаролар сонига нисбатан Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига муурожаат қилган фуқароларнинг улуши 21 фоизни, ишсизлик нафақаси тайин-

ланганларнинг улуши атиги 1,6 фоизни, шунингдек, иш изловчи сифатида рўйхатда турганлар улуши эса 6,6 фоизни ташкил этган, холос. Бундан кўриниб турибдики, ушбу марказларнинг имкониятлари, жори этилаётган кулайликлар ва имтиёзлар ҳақидаги маълумотлардан барча аҳоли қатлами тўлиқ хабардор эмас.

Ўтказилган меҳнат ярмаркаларининг самарадорлиги жуда паст даражада. Жумладан, ушбу тадбирларга ишсиз фуқароларнинг фақатгина бир фоизи жалб этилган. Бундан ташқари, таълиф қилинган бўш иш ўринларидан фақатгина 13 фоизга яқин қисмигига банд этилган холос.



Муносабат

ҲЕЧ БИР СОҲА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Давлатимиз раҳбари раислигида 2021 йилга мўлжалланган Давлат бюджети параметрлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча соҳа қарорчи соғлиқни сақлаш тизимига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бу ишлар ҳали-ҳануз бутун дунё мамлакатлари, шу жумладан, юртимиз учун ҳам қўтилмаган синовларни олиб келган коронавирус пандемияси давридаги мураккаб вазиятни юмшатиш, одамлар саломатлигини кўз қорачигидек асраб-авайлашга қаратилган, десак, тўғри бўлади.

Сўзимизнинг исботи сифатида ушбу рақамларни келтириб ўтишнинг ўзи kifоя. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасига қарийб 20 триллион сўм, шундан коронавирусга қарши

курашиш тадбирлари учун 3 триллион сўм ҳамда дори-дармон харидига 1,8 триллион сўм белгиланиши кўзда тутилган.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, илк маротаба онкогематологияга қарийб 90 миллиард сўм ажратилган. Тамаки савдосидан олинган акция солиғининг 7 фоизи онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказиб берилади.



ЎЗ ТИЛИДАН ҒУРУР ТУЙҒУСИ

Мамлакатимизда Ўзбек тили байрами кунини кенг нишонланганини кўриб, Президентимизнинг халқимизга байрам табригини тинглаб, шу миллатнинг бир фарзанди сифатида қалбим қувончга тўлди. Шу билан бирга, мустақиллик учун, ўз тилида гапириш ҳуқуқи учун курашган, тўпга тутилган минорая мадрасалар, вайрон қилинган қишлоқлар, ёқилган, талаб кетилган тоғ-тоғ китоблар ҳаёлимдан ўтди.

Акс садо

Буларнинг барчаси юракка кўркув солиш, тарихий ва маданий меросдан, она тилидан мосуво қилиш — жуда узоққа мўлжалланган ҳукмронлик гоёси эканлигини янада чуқур англагандек бўлдим.

Дарҳақиқат, ҳукмронлик гоёси ўз ҳосилини берганди — кўркув, тобеллик, мутелик қондан-қонга, авлоддан-авлодга ўта бошлади. Ушбу гоё қамраб олмаган бирорта соҳа, инсон умрининг бирор

лаҳзаси қолмаганди — “Ассалом рус халқи” деб уйғонмоғи, боғчада “Ленин болмлар”ни ёдламоғи, мактабда “отанг феодал, бобонг саводсиз, подшоҳинг аҳмоқ бўлган” деган тарихни ўқимоғи, ўз фикрини фақат қарсақ билан ёхўд ўзга тилда ифода этмоғи лозим эди. Энг дахшатлиси, эзининг паст миллат эканига, тилининг ҳуқуқсизлигига, шубҳасиз, кўничиш, Ватан туйғусини йўқотиш юз берганди...

Биз ана шундай гоё қурбони бўлган, маънавияти мажруҳ халқ ҳолатида бундан 31 йил муқаддам ўзлигимизга қайтиш учун илк қадамни қўйдик — “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Кейин мустақиллик йиллари бошланди. Миллатнинг руҳини кўтариш, тафаккурини шўро мафқураси сарқитларидан тозалаш, қалбиде озодлигидан, ўзбеклигидан ғурур туйғуларини уйғотмоқ мақсадида миллий байрамлар қайта тикланди, мадрасая масжидлар таъмирланди, улуг алломаларимиз хотираси адабийлаштирилди, илгари тақиқланган китоблар чоп этилди ва этилмоқда — бу ўзлигимизга қайтиш йўлида муҳим қадамлар бўлди.

Мана, ушбу саъй-ҳаракатлар, қуйиб-ёнишлар натижа-си ўлароқ қай даражага етдик, фикримизда нималар ўзгарди, биз ҳам нималаргадир қодир эканлигимизни йўқми, ўзлигимизни англадик-

ми? Ҳа, дегим келади — Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига тенглар қатори кириб бораётганидан, Ватанига, тилига бефарқ бўлмаган ёшлар етишиб келаётганидан, уларнинг илм-фан борасидаги оламшумул галабаларидан, гўзал бинолар қад ростлаётганидан тўлиб-тошгим келади. Аммо ўзбек тилини ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар ва берилаётган имкониятлардан қай даражада унумли фойдалана оляпмиз, деб сўрайман ўзимдан. Нега давлат тилида раво сўзлаш оляймиз? Нега ўзбек тилига бўлаётган ҳурматсизликларга бунчалик лоқайдимиз? Нега фарзандимизни тарбиялаш учун ҳам, ўз тарихимизни ўрганиш учун ҳам, бошимизни ўзбек сифатида мағрур кўтариб юриш учун ҳам кимданкир имдод кута-миз, давват кутамиз? Нега “Давлат тили ҳақида”ги Қонунга амал қилмаяпмиз?



МАМЛАКАТНИ ҚУДРАТЛИ, МИЛЛАТНИ БУЮК ҚИЛАДИГАН КУЧ

Президентимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган мажмуавий ислохотларда, биринчи навбатда, маърифатга таянимоқда. Албатта, замонавий илм ҳамда миллий қадриятларимизни, қадимий бой маънавий меросни халқимиз онига сингдирувчи ҳам, янгиланаётган Ўзбекистон фуқаросининг ҳам дунёвий, ҳам диний, ҳам кўҳна, ҳам замонавий билимларни қамраб оладиган менталитетини шакллантирувчи ҳам, бу — ўқитувчилар, устозлар ва мураббийлардир.

Зеро, улуг шoir ҳамда давлат арбоби Алишер Навоий: Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила, дея устозлик касбини юксак баҳолаган, устозларни улуғлаган.

Долзарб мавзу

Муаллимлар қандай фазилатлар соҳиби бўлиши керак?

Келажагимиз ворисларига таълим берадиган инсон, биринчи навбатда, ўз касбининг, ўзи ўқитадиган фанларнинг устасига айланиши керак.

Иккинчидан, дину диниётли бўлиши лозим. У бошқаларга ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатиши, азалий ва абадий эзгу тушунчаларни баҳолашда, ҳаёт учун муҳим қарорлар қабул қилишда адашмаслиги жоиз. Донолар айтмиш-ки, олим адашса, олам адашар.

Учинчидан, замонавий менежмент

назариясига кўра, француз олими Анри Файол ишлаб чиққан ўн тўрт тамойилга қатъий амал қилиши зарур. Тамойилларнинг фақат биттасига тўхталиш: шахсий манфаатларни жамоя манфаатларига бўйсундириш. Ўқитувчи ана шу тамойилга кўра жамият олдида, давлат олдида жавобгардир.

Афсуски, қариндош-уруғчиликка суяниб, “олим” бўлиб олган профессор-ўқитувчилар ҳамон учрайди. Уларнинг



билими эгаллаб турган лавозими талабларига жавоб бермайди. Бундай ҳолатда ўқитувчи ўзида йўқ билимни талабага қаердан олиб берсин?!

Айрим профессор-ўқитувчилардан “тадқиқотингиз мавзуси қандай эди?”

деб сўрасангиз, энсаси қотади, етти-саккиз сўзни бир-бирига улаб, ўзбек тили қоидаларига мос тўғри гап туза оляйди, талабаларга ҳам фақат тайёр матнни ўқиб беради. Бундай билимсиз кишилар атрофида оқиллар-

нинг бўлиши уларнинг обрўсига соя солади, ҳақиқий қиёфасини очиб қўяди. Қадимий юнон файласуфи Сократ таъкидлаганидек, “Ҳамма нараса таққослашда англанади”.



ДУНЁНИГОҲИ

«Euronews»:

ЎЗБЕКИСТОН АФГОНИСТОНГА НИСБАТАН ЯНГИЛАНГАН СИЁСАТНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДА

Дунёнинг энг нуфузли телеканалларидан бири — “Euronews”да Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан янгиланган сиёсатига бағишланган таҳлилий материал эълон қилинди.

Шарҳда қайд этилишича,

2016 йили бўлиб ўтган сайловларда Шавкат Мирзиёев галаба қозониб, Президент лавозимини эгаллаганидан сўнг мамлакатнинг қўшни давлатлар, шу жумладан, Афғонистон билан алоқаларида тўб бурилиш юз берди. Пировардида сўнгги тўрт йил ичида республиканинг минтақа мамлакатлари билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробар ўсди. Ўзбекистон раҳбарияти ташқи сиёсатда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўмаклашиш ва транспорт йўлақларини кенгайтиришга қаратилган янги ёндашувни жорий қилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг жану-

бий қўшнини Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳам-

корликни ривожлантириш ис-

тиқболларига катта ишонч билдирди, дейиладиган телеканал шарҳида. Ушбу фикрнинг ис-

боти сифатида сўнгги йилларда “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғини Мо-

зори-Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиغان темир йўл қурилиши каби йирик ин-

фратузилма лойиҳалари амал-

га оширилгани таъкидланади.

Материалда Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан туриб, “Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз”, деган сўзлари иқтибос сифатида келтирилади. Афғонистондаги моҳаронинг яқунлини ва ички нобарқарорликнинг юм-шани учун баъзи тўсиқлар сақлаиб қолаётган бўлса-да, бугунги кунга келиб, муаммо хал этилишига умид пайдо бўлмоқда. Зеро расмий Ко-бул ҳамда Тошкент ўртасидаги иқтисодий қўлағириш кенгайиши ва савдо алоқаларининг мустаҳкамланиши мамлакатда тинч бозор иқтисодиёти ривожланишига шарт-шароит яратяди.

Давлатимиз раҳбарининг Бош Ассамблея минбаридан туриб БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини ташкил этиш ҳақида билдирган таълифи “Euronews”да алоҳида қайд қилинди. Мазкур марказ минтақанинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлашга хизмат қилиши эътироф этилади.



Сенатор мушоҳадаси

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАДИ

Сенатнинг олтинчи ялпи мажлисида Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қиммати камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳолати юзасидан Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бош прокуратурага парламент сўровини юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Шу сўров бўйича келган жавоб хатларини ўрганиб чиқдик. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги томонидан Сенат қарори ижросини таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар таъкидланиб, ижрога қаратилган. БМТнинг 1984 йилдаги Конвенцияси

ва Жиноят-процессуал кодексига қатъий амал қилиш бўйича янги тартиб йўлга қўйилган.

Аммо парламент сўровида кўтарилган айрим муаммолар юзасидан яна қўшимча чоралар кўриш лозим.



«Euronews»:

ЎЗБЕКИСТОН АФГОНИСТОНГА НИСБАТАН ЯНГИЛАНГАН СИЁСАТНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДА

Транспорт мавзусининг давомида телеканал журналисти Ўзбекистон Афғонистон билан 144 километр узунликдаги чегарага эгаллигини таъкидлайди. Сўнгги вақтларда Ўзбекистон томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган транспорт лойиҳалари, шу жумладан, темир йўллари қуриш бўйича дастурлар нафақат минтақада транзит йўлакларини кенгайтиришга, балки ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга қўмаклашади. Хусусан, Мозори-Шарифдан қуриладиган темир йўл Эрон денгиз портлари ҳамда Ҳинд океани портлари билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга имкон беради. Қўлай жугрофий жойлашувга эга Ўзбекистон

нафақат Афғонистонга Хитойдан юкларни транзит қилиш, балки ўз товарларини ҳам экспорт қилиш имкониятини қўлга киритади. Келажақда ушбу қуруқлик кўприги орқали юк ташувлари ҳамма салмоқли даражада ортиси қўтилаётир. Афғонистон инфратузилмасининг ривожланиши мамлакат ҳамда минтақада транзит ташувлари ҳажмининг ортиси ва охир-оқибатда иқтисодий ўсишнинг катализатори сифатида хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон мазкур лойиҳаларда фаол иштирок этиш орқали Афғонистондаги ижобий ўзгаришларга ҳамда барқарор тараққиётга қўмаклашаётган давлат сифатида ўзининг халқаро обрў-эътиборини мус-

таҳкамлайди, дейилади материалда. “Euronews” мухбирлари Ўзбекистон ва Афғонистон ҳамкорлигида энергетика омили ҳақида ҳам фикр юритади. Ривожланган энергетика тизими, кўп сонли энергия ишлаб чиқарувчи қувватлар ҳамда салмоқли табиий газ захираларига эга бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёда электр энергияси ишлаб чиқарувчи давлат ва Афғонистон энергетика тармоғидаги йирик инвесторлардан бирига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясидаги нўтқида “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғи лойиҳасини тилга олгани Ўзбекистоннинг Афғонистонни минтақавий иқтисодий интеграция жараёнлари-

га жалб қилишга жиддий ёндашаётганини кўрсатди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш халқнинг 70 фоизга ортади. Арзон электр энергияси Афғонистоннинг иқтисодий-иқтисодий тараққиётида ва ушбу мамлакатнинг қўшни давлатлар билан алоқалари ривожланишида ниҳоятда муҳим ўрин тутishi халқаро ҳамжамият томонидан эътибор билан эътироф этилмоқда, деб таъкидлайди “Euronews” мухбирлари. Шарҳда давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида БМТ ҳузурида Афғонистон бўйича махсус қўмитани ташкил этиш ҳақида билдирган ташаббу-

сига юксак баҳо берилади. Шу маънода, Шавкат Мирзиёевнинг “Фақат биргаликда биз ақил ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин”, деган сўзлари келтирилади. “Euronews” шарҳловчиларининг фикр билдиришича, қўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорлик ҳар қилиш мамлакатга ҳамда минтақага фойда келтиради. “Ўзбек халқ мақолида “Қўшнинг тинч, сен тинч”, деб беҳиз айтилмаган”, дейилади шарҳ якунида.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАДИ

Жумладан, амалда суд жараёнида судланувчига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шадфактсиз муносабатларнинг белгилари (тан жароҳати) кузатишлари ҳолатлари, аниқланган тан жароҳати бўйича зудлик билан қонуний чоралар қўрилиши ҳамда келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олишга оид тадбирларни белгилаш муҳим вазифадир.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қийноқларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сақланадиган жойларга мунтазам равишда мониторинг ташрифларини амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш ҳам белгиланган тадбирлар дастурига киритилган эди.

Шунингдек, қийноқлар ҳолатлари юзасидан тарқатилган ахборотларни текшириш ва тегишли хулосаларни эълон қилиш, вақтинча сақлаш ҳамда тергов ҳибсхоналари, маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус қабулхоналар, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар билан даврий аноним сўровномалар ўтказишни йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Бу билан фуқароларнинг бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик ислохотларидан

хабардорлигини ошириш, қолаверса, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада юксалтириш мақсад қилинган.

Турли ахборот манбаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда қийноқлар ҳолатлари юзасидан тарқатилган ахборотларни текшириш ва тезкорлик билан ишончли маълумотларни тарқатиш ҳам соҳадаги янгиланишлар ҳақида батафсил маълумотлар олиш имконини беради. Шунингдек, ушбу жараёнда маҳаллий Кенгашлар фаоллигини ошириш жуда муҳим. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) Кенгашлари ички ишлар ҳамда прокуратура органлари раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларини эшитишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан содир этилган қийноққа солиш ва бошқа шадфактсиз жазо турларини қўлланган ҳолатларига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар чоракда муҳомада қилиб боришса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мазкур йўналишдаги тадбирлар маҳаллий Кенгашлар депутатларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Матлуба ҒАНИЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИНГ МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Пандемия даврида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг ўтган январь — август ойлари давомида вилоят бўйича Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан жами 1952 нафар фуқарога 4,3 млрд. сўмлик субсидиялар ажратилган. Шунингдек, 245 нафар ишсиз фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 63,2 млн. сўм субсидиялар берилиб, давлат рўйхатидан ўқазилган. Иш бевурилишга ҳодимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида вилоятнинг туман (шаҳар)ларидаги Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари томонидан 59 нафар фуқарога 102,3 млн. сўм субсидия маблағлари йўналтирилган.

Вилоятдаги жами 778924 та оиланинг 0,3 фоизига субсидия ажратилган, холос. Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомда субсидия ажратилгандан кейин аҳоли томонидан ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш ҳолатлари бўйича мониторинг ўтказишга оид қонунлар мавжуд эмаслиги депутатлар эътирозига сабаб бўлди.

Урганиш жараёнида субсидия маблағлари ҳисобидан айрим хонадонларда қурилган иссиқхоналар, ўрнатилган сув насосларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатларининг кузатилиши халқ вакиллари томонидан танқид қилинди.

Шунингдек, аҳолининг томорқада бандлигини таъминлаш

бўйича субсидия ажратиш йўналишларини кенгайтириш борасида ҳам аҳоли томонидан бир қатор тақлифлар билдирилгани таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда жамоат ишлари учун йўналтирилган маблағлар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Қайд этилгандек, жорий йил сентябрь ойи ҳолатига ҳақ тўланадиган жамоат ишлари учун 39,8 млрд. сўм режа белгиланган бўлиб, шу кунга қадар жами 34658 нафар фуқаро томонидан 35,5 мил. доллар сўмлик жамоат ишлари бажарилган. Вилоят бўйича жамоат ишларида белгиланган режага нисбатан 4,3 млрд. сўм кам маблағ сарфланган.

Муҳокамаларда аҳоли бандлигини таъминлаш учун ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсади сарфланиши ҳамда уни мониторинг қилиш бўйича вазирлик тизимидаги ҳодимларнинг хизмат вазиализарига муносиб иш ҳақи тўланиши ва бу орқали уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан тақлифлар илгари сурилди.

Депутатлар аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида бюджет маблағларининг мақсади сарфланиши юзасидан барча имкониятини тўлиқ ишга солиш зарурилигини қайд этишди. Бунда шу ҳафта бошида Президентимиз томонидан имзоланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиши айтиб ўтилди.

Илгиллиш якунида билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲАМЖИҲАТЛИГИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ ҲАЁТИЙ НАМУНАСИ

Аввал шаҳарлардаги шундай корхоналарда ишлаётган хотин-қизларга ҳавасим келар эди. Ишонинг, орзум шундоқ уйимиз яқинида амалга ошишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Энди маҳалладошларимиз билан бир мақсад сари интиламиз, яъни қишлоқда ҳам экспортбоп маҳсулотлар тайёрлайдиган қўлғул чеварлар борлигини амалда кўрсатамиз.

Калити билан уй ва бизнес

Мирзаобод туманидаги Навбахор маҳалласида қурилган 360 та оилага мўлжалланган 9 та кўп қаватли уй ёнида иссиқхоналар ҳам барпо этилди. “Беккластер” ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу “Ижтимоий иссиқхона” лойиҳаси туфайли шу маҳаллалик 64 оиланинг ҳар бири 25 сотихлик иссиқхона эгаси бўлади.

— Мазкур лойиҳани “Калити билан бизнес” деб ҳам юртамиз, — дейди лойиҳа масъулиларидан бири Анвар Жуманов. — Яъни навбахорлик 64 та оила вакиллари ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилган иккита масъулият чекланган жамиятга таъсисчи-мулкдор сифатида кирди. Олинган кредитларга эса айни жамиятлар қафил саналади. Ҳар бир оиланинг 25 сотихлик иссиқхонасида етиштирилаётган маҳсулотларни “Беккластер” сотиб олади ва “Ўзбек” бренди остида экспортга йўналтиради. Кредит тўловлари тўла қоплангач, узоғи билан 2-3 йилда оила иссиқхонанинг тўла ҳуқуқий эгасига, тадбиркорга айланади.

Иссиқхоналарда аллақачон илк ҳосил етилиш арафасида. Пресс-тур иштирокчилари уларнинг бирида қулуپнай ўстирилаётганлигининг гувоҳи бўлишди. Маълум қилинишича, бир ой нари-берисида илк қулуپнай меваси териб олинади ва эътиборлиси, шу экиннинг ўзидан келгуси йилнинг июлигача ҳосил олинади.



Янги Ўзбекистон маҳалласи — янги қишлоқларимизнинг келажақ элчиси

Ватанимизни Шарқу Фарби, Жануби ва Шимолни боғлайдиган халқаро айтойўлнинг Оқолтин ва Мирзаобод туманлари худудлари кесилган қисмида Янги Ўзбекистон маҳалласи ўтган-кетгани маҳлиё қилаётгани, бор гап. Том маънода муъжиза дейиш мумкин бўлган бу манзаранинг жуда қисқа муддат — 3-4 ойнинг нари-берисида яратилгани эса яна бир ҳайратланарли ҳол.

Рост гап. Мирзаёул ушлаштирилган бўлса-да, ҳали бу ерлардан қўлнинг юпунлибси ечимлагандек эди гўё. Ишонинг, энди йўлдан ўтган киши борки, ҳаёлидан “Бу қайси шаҳар?” деган савол ўтиши, табиий. Йўқ, у расман шаҳар мақомида эмас — маҳалла. Маҳаллаки, номи савлатига, меъморий маъно-мазмун, моҳиятига тўла-тўқис муносиб. Яъни янгиланаётган Ўзбекистоннинг Янги Ўзбекистон маҳалласи. Ва яна шубҳасиз, қишлоқларимизнинг эртанги қиёфасининг амалий намунаси ҳамдир.

Шу кунларда бошқа янгиланган маҳаллалар қатори Янги Ўзбекистондан ҳам меҳмонларнинг қадами ариямаяпти. Қуни кеча Навоий вилоти туман-шаҳарлари ҳокимларининг қурилишга масъул ўринбосарлари, архитекторлари келишди. Кўп

қаватли уйлар мажмуасининг ўзига хос меъморий ечимлари билан танишишди. Бинобарин, баланд уйлар қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжлари шаҳар шариоитлари билан уйғун равишда қурилган барчанинг эътиборини тортомқда. Ёлғиз, кенг-мўл кириш-чиқиш йўлагига, омборхоналарга айлантилган ер тўла, қишлоқ ҳўқалиги асбоб-ускуналари сақланадиган бўлмалар... Энди бу уйларда яшовчилар, мактабга қатновчи болаларнинг оёғига гард ҳам қўнмайди, маҳалла рўпарасидан ўтган халқро йўлдан то уйлариининг остонасигагача текис, раван йўл ва йўлаклар орқали қадам ташлашади. Маҳалла гузари, кутубхона, новойхона, майиш хизмат шохобчалари, минимаркет, мактабгача таълим ташкилоти, мактаб... Хуллас, барча зарур шариоит муҳайё.

Айтиш жоизки, Мирзаобод, Сардоба, Оқолтин туманларининг бир неча маҳаллаларида амалга оширилган улғувор ўзгаришлар тарих учун, келажақ авлод учун халқимиз қасмидаги, давлатимиз куч-қудрати, яратувчилик ва бунёдкорлик жабҳасидаги тараққиётимизнинг ҳаётий намунаси бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Пресс-тур давомида яна бир қатор объектларда, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, бунёдкорликлар билан танишилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

АҲОЛИ БАНДЛИГИ КАФОЛАТИ ВА МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

Асосий Қонунимизда ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шариоитларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиллаб қўйилган. Ўтган давр мобайнида мазкур конституциявий норма асосида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, меҳнат муносабатларини тартибга солишга хизмат қиладиган қонунчилик йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Президентимиз томонидан жорий йил 20 октябрда имзоланган “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун бандлик масаласи ҳар қачондиган-да долзарб бўлиб турган, коронавирус пандемияси даврида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан саналади.

Янги Қонун

Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, 1998 йилдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун бугунги кун талабига жавоб бермай қолган эди. Унда меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати ақс эттирилмаган, меҳнат ва бандлик соҳасидаги айрим муаммолар ҳамда долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган нормалар мавжуд эмасди.

Сўнгги 20 йил ичида меҳнат бозорида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 бараварга (8,8 млн.дан 13,5 млн.гача киши), иш бевурилиш сони 4,5 бараварга (203,2 мингдан 928,9 минггача) кўпайди. Амалдаги қонунда меҳнат бозорини тартибга солишининг янги инструментлари, хусусан, тадбиркорликни рағбатлантириш, ўзини ўзи банд қилиш, ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш, малакасини ошириш, иш стажини ҳисобга олишда ахборот тизимларидан фойдаланиш қабилар ақс эттирилмаганди.

“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун амалдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонундан тубдан фарқ қилади. Ҳажми жиҳати-

Чунончи, унда амалдаги қонунда бўлмаган ишсиз шахсларни ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Сабоби асарият ишсиз фуқароларнинг кўпчилиги маълум бир касбга эга эмаслиги уларнинг ишга жойлаштиришда қийинчиликларни туғдирар эди. Ишсиз шахсларни ҳамда иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, касб-ҳунарга ўқитишга давлат буюртмаси каби масалалар қатор моддаларда очиб берилди.

Ташки меҳнат миграцияси агентлиги, ишга жойлаштириш бўйича агентлар ҳамда аутстафтинг хизматларини қўрсатувчи иш бевуричларнинг соҳадаги вазифалари алоҳида моддаларда белгиланди.

Бу ҳақда тўхталадиган бўлсак, ишга жойлаштириш бўйича агентлар аҳолининг ишга жойлаштиришга қўмаклашишга доир ишларни Бандликка қўмаклаштириш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида бажарувчи жисмоний шахслардир.

Аутстафтинг иш бевуричи томонидан ўз ҳодимларини уларнинг розилиги билан бошқа юридик шахсларга доир ишларни Бандликка қўмаклаштириш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллий меҳнат органлари билан тузилган шартномалар асосида бажарувчи жисмоний шахслардир.

Қонунда иш ўринларини ташкиллаштириш тартиби ақс этгани унинг аҳамиятли жиҳатларидандир. Жумла-

дан, иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини шакллантириш, давлат буюртмасига мувофиқ иш ўринлари ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, маҳаллий меҳнат органларида мурожаат этган иш қидираётган ва ишсиз шахсларга хизматлар қўрсатиш масалалари белгиллаб берилди.

Иш ўринларини ташкил этишга доир буюртмани олган ташкилотларга Бандликка қўмаклаштириш давлат жамғармасидан уч йилгача муддатга ссу-да ажратиладиган назарда тутилди. Маҳаллий меҳнат органларида мурожаат этган иш қидираётган ва ишсиз шахсларга қўрсатиладиган хизмат турлари 7 тадан 16 тага қўйилтирилди. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида юбюр-иш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил банд қилишни ташкиллаштириш, касбга қайта тайёрлашга ва малака оширишга юбюр-иш, касбий малакани баҳолаш каби хизматлар шулар жумласидандир.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш ҳам тартибга солинди. Жумладан, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли тоифалари кенгайтирилиб, уларга 14 ёшга тўлган болалари ва ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болалар ота-оналар қиритилди.

Барча тоифадаги ишсиз шахсларга ишсизлик нафақаси 12 ойлик давр ичида 26 календарь ҳафта давомида тўланиши белгиланди. Олдинги тартибга қўра, нафақа илгари ишлама-чи ва биринчи бор иш қидираётганларга 12 ойлик давр мобайнида 13 календарь ҳафта тўланарди. Ишсизларни иш қидириш даврида моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида ишсизлик нафақасининг миқдори икки йил баробар оширилди. Биргина мисол, илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахслар учун — бел-

чи энергия манбаларидан фойдаланиш ва бизнес юритиш учун қўлай шариоит яратиш, барчага бир хил солиқ режими жорий этиш, асоссиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш каби бир қатор талабларни ўз ичига олган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 2020 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилган эди. Янги қонун билан ислохотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги 11 та қонун, 2 та кодекс меъёрлари Солиқ кодекси-га мослаштирилмоқда.

Хўш, бу янгилликлар нималардан иборат?

Авалло, жорий йилдан ягона ер солиғи бекор қилиниб, ушбу солиқни тўловчилар умумбелгиланган тартибдаги солиқларни ёки айланмадан солиқ тўлаши тўғрисида Солиқ кодексида киритилган ўзгариш “Фермер ҳўқалиги тўғрисида”ги ҳамда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунларга ҳам киритилаётганлигини айтиш зарур.

Қолаверса, амалдаги ягона ижтимоий тўлов ўрнига ижтимоий солиқ тушумлари жорий этилган ва бу янгиллик биз сўз юритаётган қонун билан Бюджет кодекси, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларда ҳам мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Солиқ кодексидаги тадбиркорлик субъектлари фаолияти бўйича режалар ва назорат текширувлари ўтказилиши бекор қилинганга доир талаб “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хусусий қорхона тўғрисида”ги қонунларда ҳам ифодаланмоқда.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгаришга қўра, тадбиркор ва фермер ҳўқалиқларини текширишининг амалдаги тартиби бекор қилиниб, текшириш талаби Солиқ кодексида мослаштирилмоқда. Яъни тадбиркорлик субъектларини текшириш “хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилиш назарда тутилмапти. Бундан буюн солиқларнинг камерал текширувидан бошқа барча текширувлар электрон тизимида рўйхатга олинади.

Шунингдек, “Қайта тикланув-

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.

гиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг камида 75 фоизи миқдориди (509 497 сўм) ишсизлик нафақасини тўлаш белгиланди. Олдинги тартибга қўра, бундай шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг камида 26,5 фоизи миқдориди (180 022 сўм) нафақа тўланган.

Бундан ташқари, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида ишсиз шахсларга Бандликка қўмаклаштириш давлат жамғармасининг ҳисобидан 26 календарь ҳафтагача муддатга стипендия тўланиши ақс этди. Масалан, ишдан ва иш ҳақидан охириги 12 ойликда маҳрум бўлганларга — аввалги иш жойидаги ўртанча ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган (679 330 сўм) ва ўртанча иш ҳақидан кўп бўлмаган миқдорда тўланиши белгиланди. Олдинги тартибга қўра, бундай шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 35,2 фоизидан (239 124 сўм) оз бўлмаган миқдорда тўланган.

Қонуннинг алоҳида бобида фуқароларнинг чет элларда ишлаш ҳуқуқи, чет элда ишлаш тартиби, меҳнат мигрантларининг кенг қамровли маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг кетишдан олдинги тайёр-гарлиги, мониторинги ва моддий ҳамда ижтимоий ҳимояси каби бандликнинг комплекс масалалари ўз ифодасини топди.

Умуман, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турган бандлик соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда мазкур Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мавлудхон ХўҲАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

22 октябрь куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Корея импортчилар уюшмаси (КОИМА) ўртасида онлайн учрашув бўлиб ўтди.

Корея импортчилар уюшмаси 1970 йил Корея Республикаси ҳукумати қарори билан ташкил этилган. Кореялик импортчилар, дистрибьюторлар, хориқий ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар вакиллари ассоциацияси бўлган маъзур ташкилот фаолиятининг асосий мақсади товар, хом ашё ва хизматлар импортини енгиллаштиришдир.

Форумда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Аҳмад Икромов Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишончли шериклар эканини таъкидлади.

— Икки мамлакат Президентларининг шахсий ташаббуси ва савий-харакатлари туфайли ўзаро алоқалар нафақат савдо-иқтисодий, инвестициявий, балки илмий, технология, ижтимоий-маданий, интеллектуал ҳамкорлик соҳаларида ҳам изчил ривожланган. Давом этаётган глобал инқирозга қарамай, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат ижобий ўзгаришларни намойиш қилмоқда.

Корея импортчилар уюшмаси (КОИМА) раҳбари Хонг Кван Ки мамлакатларимиз вақт синиқлардан ўтган стратегик шериклар эканини қайд этаркан, ҳамкорликдаги ишлар натижасида савдо-иқтисодий алоқалар барча йиллашларда изчиллик касб этаётганига эътибор қаратди.

Учрашувда икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида товар айирбошлашни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу учрашув тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, халқаро савдо учун қўлай шaroитлар яратишга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли махсулотларни жаҳон бозорига чиқариш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятидан унумли фойдаланишга қаратилган сиёсат туфайли кейинги йилларда нафақат экспорт географияси кенгаймоқда, балки махсулотлар тури ва қўлами ҳам ортмоқда. Масалан, сўнгги икки йилда Ўзбекистон кўплаб ҳамкор мамлакатлар қатори Жанубий Кореяга ҳам озик-овқат ва енгил саноат махсулотлари экспортини йўлга қўйди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. 2020 йилнинг саккиз ойи давомида ўзаро савдо айланмаси 1 миллиард 449 миллион долларни ташкил этгани ҳам Жанубий Корея Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолиятида муҳим ўрин эгаллашгани кўрсатади.

Ўзбекистоннинг экспорт-импорт амалиётида корейс компаниялари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мамлакатимизда корейс капиталли иштирокида 863 корхона фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига хозиргача Корея Республикаси киритган жами инвестициялар миқдори 7 миллиард доллардан ошди.

Форумда икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, мамлакатларимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, Ўзбекистон экспортчиларининг Жанубий Корея бозорига чиқишини қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам муҳокама этилди.

С. РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ҲЕЧ БИР СОҲА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Шу билан бирга, келгуси йилда биринчи марта специализация муҳтож касаларга тиббий хизматлар қўратиш қамровини 100 фоизга етказиш учун 130 миллиард сўм маблағ ажратилади. Тиббиётнинг ушбу йўналишларига катта маблағ ажратилаётганлиги бир неча йиллик тиббиёт соҳасида ишлаган мутахассис сифатида нафақат мени, балки кенг жамоатчилик вакиллариини жуда хурсанд қилди.

Қўриниб турганидек, инсон шахси олий қадрият, унинг саломатлиги ҳамма нарсадан устун қўйилган мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳолини бу офат чангалидан эсон-омон олиб чи-

қиш учун зарур чоралар қўриляпти. Иқтисодиёт тармоқлари, тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини қўлайтиришга Давлат бюджетидан катта маблағлар йўналтириляпти.

Бу ишларнинг ижроси тўлиқ таъминланиши учун барчамиз бирдек масъулимиз. Агар биз шу синовли дамларда бир мушт бўлиб ҳаракат қилсак, эпидемиологик ҳолатнинг яхши томонга ўзгариши фақат ўзимизга, тиббий маданиятимизга боғлиқ эканлигини бир сония бўлса-да унутмаган ҳолда иш қоритсак, бунинг самараси, албатта, ҳаётиимизда намоён бўлади.

Дилбор УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

МАМЛАКАТНИ ҚУДРАТЛИ, МИЛЛАТНИ БУЮК ҚИЛАДИГАН КУЧ

Мажлисларда катта маърузалар матнга қараб ўқилиши бутун дунё қабул қилган расмий-мантийкий меъёр ҳисобланади, аммо бу меъёр профессор-ўқитувчига татбиқ қилинмайди. Ҳаётининг эркин фикрлайдиган, ўз туйғу ва қарашларини равои фидодалаб бера оладиган бўлиши лозим, машғулотларга тезис шаклида ёзилган қисқагина режа билан кириши етарли. Ана шунда у ҳар машғулотда мавзунинг янги, қўтилмаган қирраларига ўзи билмаган ҳолда рўбарў бўлади, унинг янги муаммоларини очади, янги усуллар қўлайди, мақсадга қаратилган оригинал хулосалар чиқаради.

«Маққатуллоҳга бориб келгани билан улов ҳожи бўлиб қолмайди»

Баъзи ёш ўқитувчилардан кичкинагина ҳужжат тайёрлаш ёки оддийгина ариза ёзишни сўрасангиз, шаблон сўрайди.

Айрим ўқитувчилар ўз касбини, ўз фанини севмайди, машғулотга ажратилган вақтни талабаларга илм бериш ўрнига олди-қочди гаплар, ўз таржимаи холи, хориқий сафар таассуротларини айтиб бериш билан ўтказади. Бундай ўқитувчилар қўлидан чаласавод, ношуд шогирдлар чиқади.

Жамиятга фойдаси етмайдиган, билимсиз, ноқобил кадрларни етиштириб чиқаргандан, уларга диплом бериб қўйгандан нима фойда? Шарқнинг буюк файласуф шоири Саъдий Шерозий: «Маққатуллоҳга бориб келгани билан улов ҳожи бўлиб қолмайди», деган.

Чинакам муаллим кўр-кўрона амалдорликка интильмайди. У агар мансаб пиллапоёсига чиқса ҳам ўзини йўқотиб қўймайди, аввало, одамларнинг юқини енгил қилиб, бошқаларга ибрат бўлиб, халқи ва Ватанига астойдил хизмат қилишни ўйнайди.

Афсуски, шарафли касб соҳиблари орасида амалга миниб, ўзининг шахсий манфаатларини қондирш, моддий мақсадларга эришиш истигадиги мансабдорлар ҳам учраши бор гап.

Килишининг маънавий қулаши нимадан бошланади?

Билими, лаёқати бўйича юклатиладиган вазифаларни баҳаришга қодир бўлмай туриб, юксак мартабаларга кўз тикишдан бошланади. Ўз меҳнати билан ҳалол яшайдиган одам амалдорликка интильмайди. Биронинг ҳақидан кўрқадиган мўминга амалдорликдан фойда йўқ.

Илмий, бадий адабиётларда «ҳақиқий олим» билан «сохта олим» ўртасидаги қарама-қаршилиқ ёрқин бўёқларда, аник вазиятларда очиб берилган ҳок асарлар бор. Иззат Султон драмаси асосида 1960 йилда хозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилган «Имон» спектаклини олинг. Асар «ҳақиқий олим» Йўлдош Комилов ва «сохта олим» Наим Санжаров ўртасидаги конфликт асосига қурилган. Йўлдош Комилов: «Уйимга бойлик кириб келсаю, имдон чиқиб кетса, бундай бойликнинг менга кераги йўқ», дейди. Ана асарнинг асосий воқеа!

Бундай теран, маънавий қадриятларни тарғиб қиладиган асарлар ҳозир жуда ҳам зарур.

Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши лозим

Инсоннинг ҳашаматли уйда яшаши, қимматбаҳо автомашина ҳайдаши, яхши кийиниши, ноёб нозу неъматлар билан овқатланиши уни қомилликка етказмайди.

Ақсинча, булар турмуш тарзининг миқдор кўрсаткичлари, сифат кўрсаткичлари эса қалбнинг мусофқолиги, ниятнинг эзгулигига намоён бўлади. Айнан шундай сифат даражаларига эришган экилларимиз қомилликка яқинлашиб, эл-юртимизни ривожлантиришда локомотив бўлади.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бозор иқтисодиётини шакллантириш дастурларини ишлаб чиққан Бириланган Миллатлар Ташкилоти экспертлари ўтиш даврини уч босқичга бўлишган:

Биринчи босқичда — қамбағал мамлакатда қамбағал одамлар яшайди.

Иккинчи босқичда — қамбағал мамлакатда бойлар қатлами шакллантирилади.

Учинчи босқичда — бой мамлакатда бой одамлар яшайди.

Бундай тadbрижий ривожланиш моделини маънавият ва маърифатга татбиқ қилсак, шундай хулоса келиб чиқадики, қомилликка аҳолининг барча қатлами бир даврда эриша олмайди. Дастлаб ўқитувчи ва мураббийлар маънавиятини юксалтириш лозим. Бошқача айтганда, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши шарт.

Юксак маънавиятга муаллимлар одоё-ахлоқли, эркин фикрли, эзгу фазилатлар соҳиби бўлган янги авлодни қамолга етказади. Бундай авлод жамият-

да илгор қатлам бўлиб олдинга чиқади, бошқаларни ортидан эргаштиради. Ушбу жараён секин-аста бутун жамиятда маънавий муҳитнинг соғломлашишига сабаб бўлади.

Устознинг қаҳри ота меҳридан афзал

Рағбат янги марраларга руҳ беради. Япония бош вазириларидан бири: "мен ўқитувчиларга ва-зир маоши, дипломат дахлсизлиги ва императорнинг шарафини бердим" деган.

Яратганга шўроналар бўлсинки, мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз ташаббуси билан ижобий ўзгаришлар яққол кўриляпти.

Яхши устоз талабага ҳам билим, ҳам тарбия беради. Шўнинг учун унинг "бир қўлида қанд, иккинчи қўлида қамчи" бўлиши зарур. Бу ҳақиқатни отаоналар, қим бўлишларидан қатъи назар, тан олишлари керак.

Улуғларимиз "Устознинг қаҳри отанинг меҳридан афзал", деб таълим берганлар. Қандай қилиб қаҳр меҳрдан афзал бўлади? Бу ўғитнинг маъноси нима?

Бу саволнинг жавобини қуйдаги ривоятдан англаб олиш мумкин:

Бағдодда бир ўғри дорга осилишга ҳукм қилинбди. У ўлими олдидаг онасини кўришни истабди. Онаси келиб боласини бағрига босганда, "онажон, менга ширин сўзлар айтган тилингиздан бир ўнай", деб онасининг тилини тишлаб, узиб ташлабди. "Болалигимда қўшининг туҳумини ўғрилаб келганимда, баракалла демай, ўғрили қилма, деганингизда бутун мен дор гагига келмас эдим", дебди.

Ота меҳри ана меҳридан қам эмас. Ота ҳам фарзандини оппоғин деб эркалаб, нотўғри тарбиялаши мумкин. Яхши тарбия устоздан олинади.

Ана қандай ҳикмат бор устоз қаҳрида!

«Ёинки бир аспр зиндонда ётмоқ — нодон суҳбатидан кўра яхшироқ»

Ўқитувчилар, устозлар, мураббийлар ёшларни, умуман, жамиятни тўғри яшашга ўргатиши керак, бунинг учун ҳар бир инсон қўлида ё ахли ҳўнар, ё илм бўлиши шарт. Илм ўрганиш учун эса ақл зарур.

Тарихда ўтган алломаларимиз ақлсизликдан қочшган. Ҳикмати насихатлар муаллифи Аҳмад Ясавий: "Дуо айланг, нодонларнинг юзин кўрмай", деб илтижо қилган, Зебунисо: "Ҳайфидир нодон билан суҳбатда ўтган дамларинг", деб огоҳлантирган. Ҳам шоир, ҳам авлиъ, ҳам қурати ерга тегмаган Пахлавон Маҳмуд шундай рубоий ёзган:

Уч оз Кўзи Қоғни келида тўймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалака буюё,
Ёинки бир аспр зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.

Илм ақли нодонлиқдан шу қадар ҳазар қилганки, ундан қўтилиш учун ҳар қандай маъшаққатга рози бўлган. Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имоми Аъзамни халифа қаҳриб, бош қозилиқни тақлиф этади. Имоми Аъзам ҳўмада хатога йўл қўйиб, гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқаман, деб лавозимни рад қилади. Халифа уни зиндонбанд этиб, унинг хонасига Бағдодда нодонлиқда ном чиқарган маҳбусни киритиб қўяди. Уч кун ўтар-ўтмас Имоми Аъзам ҳамхонамдан мени қўтаринг, бош қозилиқни қабул қилишга розиман, деган экан.

Қомилликка эришиш учун инсон ақлини қарқлаб қолмай, руҳий ҳижатдан ҳам тобланиши лозим. Устоз-мураббийлар ёшларга фақат билим бериш билан чекланмай, уларнинг руҳиятини мустақамлаб бориши керак.

Маърифатпарвар Садриддин Айний: "Бу дунёда турмоқ учун кишида икки хислат бўлиши лозим: ақл ва жасорат", деб ёзган. Ҳақиқатан ҳам, жасоратсиз ақл — ўлик ақл, ақлсиз жасорат — ҳалокат. Бундай фалсафий хулоса инсоният онгига қадим замонлардан шаклланиб келган. Ҳиндларнинг машҳур "Панчатантра" дostonида:

"Бу дунёда икки нарсa қўлур абадий,
Дононинг сўзю, ботирнинг иши" дейилган.

Айрим олимлар нега хорижга чиқиб кетганди?

Афсуски, тарихда илмли, оқил одамлар қўпинча машаққат ичида, амалдорлар ва ҳўкмдорлар таъйикларидан қочиб, мусофирчиликда яшашга мажбур бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимизда учинчи Ренессансга эришишни стратегик вазифа сифатида белгиларкан, мактабгача таълим ҳамда мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, богча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иждоий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуни эканини таъкидлади.

Бу эътироф ҳамда юксак баҳо соҳанинг ҳар бир вақилига чексиз фахр-ифтихор баҳи этиши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Бугун таълим даргоҳи остонасига қадам қўётган, ёшлар қамалига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир инсон уларга бутун мамлакат, бутун халқимиз умид ва ишонч қўзи билан боқиб турганини юракдан ҳис қилиши шарт. Ўзининг кийиниши, юриш-туришидан тортиб, билим ҳамда салоҳиятини, маънавий савиясини ана шундай улўғ ишончга муносиб бир даражага кўтаришга интилиши зарур.

Осоийишта умргузаронлик қилган алломалар дунёвий илм соҳиблари ичда қам учрайди, уларнинг қўпчилиги диний уламолар, азиз-авлиёлардир. Рус масаласини Иван Кривов ибораси билан айтганда, "тарихда мисоллар жуда кўп бунга". XX асрнинг 30, 50-йилларида зиёлиларга қарши репрессиялар даврида халқимизнинг минглаб асл фарзандлари ноубуд бўлган, сургун қилинган.

Мустақиликнинг дастлабки йилларида таълимни бошқариш тизимининг ўрта поғоналарига айрим ҳолларда илмдан узоқ, уddaбурон мутасаддилар кириб келди. Улар талабаларга касбий илм-маҳорат сирларини ўргатиш ўрнига фанларни педагогик технологияларни киритган ҳолда ўргатишни талаб қилди. Натижада узоқ йиллар давомида шаклланган таълим тизимининг илдизига болта урилди, қозғода ёз ойларига ўқитувчиларга қоний меҳнат таълими бериш тўғрисида буюрўқ чиқариб, йиллар давомида улар ёз бўйи ишлашга мажбур этилди. Ўқув-услубий мажмуалар, ишчи дафтарлар яратиш қабй беҳуда ишларга юзлаб ёки минглаб тонна қўғоз сарфланди. Сифатсиз чоп этилган "ишчи дафтарлар" талабаларга таннаҳридан икки-уч баробар қимматига "ихтиёрий-мажбурий" сотилди.

Университет кенгаши мажлисларида тажрибали профессорлар: "таълимда педагогик технологияларнинг замонавий усулларидан фойдаланишга қарши эмасмиз, бироқ улар талабаларга иқтисодий билимларни ўргатишни охириг ўринга сўриб ташлаши тўғри бўлмайди. Иқтисодиёт университети педагог эмас, иқтисодчи тайёрлаши лозим. Иқтисодиёт чекланган моддий, меҳнат, молиявий, интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланиш усулларини ўрганиши керак. Биз талабаларга бу ресурслардан фойдаланишнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш, уларни қийёсий таққослаб, энг мақбулини танлашни ўргатишимиз зарур. Бунинг учун талабалар иқтисодий таҳлил усулларини пухта билиши лозим. XX аср буюк даҳраларидан бирининг "ишчан иқтисодчи куруқ тезислар ёзиш ўрнига фактларни, рақамларни ва маълумотларни ўрганиш устида ишлайди, ўзимизнинг амалий тажрибамизни таҳлил қилади ва хато бу ерда, уни мана бундай тузатиш керак деб кўрсатади", деган таълимоти бир неча бор эслатилди. Бироқ эътирозлар назар-писанд қилинмади. Ақсинча, бундай профессор-ўқитувчилар тизимли таъйик остига олинди.

Бозор ислотхотларига ургу берилиб, маънавият ва маърифат масалаларига етарли эътибор қаратилмади. Айрим илмий, илмий-педагогик кадрлар ночор ахволда қолиб, бозорга ёки хорижга чиқиб кетди. Натижада бу тизимда малакали профессор-ўқитувчилар тақчиллиги келиб чиқди. Боз устига, "Ёшларга йўл беринг!" деб илм-маърифатли, тажрибали, таълимда суяги қотган ёш улўғ профессор-ўқитувчилар нафақага чиқарилди.

«Олий мактабда фақат кексалар бўлса — бу трагедия, фақат ёшлар бўлса — бу комедия»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таълим тизимидagi бундай самарасиз ва ноинсоний ёндашўга барҳам берди. Ёши улўғ профессор-ўқитувчиларнинг эркин ишлашига кенг шарт-шaroитлар яратилиб, уларнинг ойлук маошлари билан бирга пенсияларини ҳам тўлиқ олишлари таъминланди.

Жамият бир маромда ривожланиши учун "Устоз — шогирд" тизими барқарор бўлиши лозим. Ай-никса, таълимда бу жуда муҳим. Академик Скрабин "олий мактабда фақат кексалар бўлса — бу

фожиа, фақат ёшлар бўлса — бу комедия", деган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тайёрлаган Меҳнат кодекси лойиҳасининг янги таҳририда бундай ноинсоний муносабатларга йўл қўймаслик қилиши шарт.

Турмушимизда қузатилаётган салбий ҳолатлардан яна бири — маҳаллийчилик. Парвардигор ҳеч қайси бандасидан "қаерда туғилишни хоҳлайсан?" деб сўрамаган. Илмли одамлар мамлакатимизнинг барча гўшасида топилади.

Бу иллат таълим тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатаяпти. Илмий-педагогик кадрларни танлашда уларнинг касбий маҳорати, билим даражаси, маънавий-ахлоқий қарашлари эмас, балки қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, "ўҳжайишга шахсий содиқлик" мезонлари устуворлиқ қилаяпти. Бундай ёндашув коррупциянинг кўчайишига олиб келади. Бундай муҳитда танланган кадрнинг қамчилликлари-га кўз юмиллади. Ноқобил мутасаддилар қабул қилган нотўғри қарорлар келтирган зарар аҳоли бўйнига тушади. Бундай носоголом тенденция жамият юксалишига эмас, унинг ҳалокатига олиб келади. Бу иллатга қарши кескин курашиш керак.

Ўйғониш даврининг таянч устунлари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимизда учинчи Ренессансга эришишни стратегик вазифа сифатида белгиларкан, мактабгача таълим ҳамда мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, богча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иждоий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуни эканини таъкидлади.

Бу эътироф ҳамда юксак баҳо соҳанинг ҳар бир вақилига чексиз фахр-ифтихор баҳш этиши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди.

Бугун таълим даргоҳи остонасига қадам қўётган, ёшлар қамалига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир инсон уларга бутун мамлакат, бутун халқимиз умид ва ишонч қўзи билан боқиб турганини юракдан ҳис қилиши шарт. Ўзининг кийиниши, юриш-туришидан тортиб, билим ҳамда салоҳиятини, маънавий савиясини ана шундай улўғ ишончга муносиб бир даражага кўтаришга интилиши зарур.

Зотан, халқимизнинг палаги тоза. Томири-мизда не-не тамаддунолар бешигини тебратган буюк даҳолар, олим уламолар, Ватан учун ҳатто жонидан кечган фидойи инсонлар қони оқмоқда. Уларнинг ноёб асарлари биз учун бебаҳо ме-рос, қилган ишлари ва эзгу амаллари ҳар би-римиз учун ибратдир. Бутун халқимиз, айникса, ўқитувчи ҳамда мураббийлар улардан андоза олиб, ҳаёти ва фаолиятини шу асосда йўлга қўйсалар, шубҳасиз, қўзлаган мақсад-муддао-ларимизга тезроқ етишамиз.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, та-раққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қуд-ратли, миллилатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кун-миз, Ватанимизнинг ёруғ истикболи, биринчи навбатда, таълим тизими ҳамда фарзандлари-мизга бераётган тарбиямиз дилан чамбарчас боғлиқ.

Нуриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент давлат иқтисодий университети кафедра мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ЭЪЛОНЛАР

«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

2020 йил 3 ноябрда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» ДУК Хоразм вилояти бошқармаси томонидан қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами
1.	«УАЗ-3163-121»	2010	90-630 ТАА	22.	«УАЗ-31514»	2009	90-283 САА
2.	«УАЗ-31514»	2001	90-465 ААА	23.	«УАЗ-31514»	2006	90-417 ААА
3.	«УАЗ-31514»	2003	90-423 ААА	24.	«УАЗ-31514»	2009	90-279 САА
4.	«УАЗ-31514»	2006	90-420 ААА	25.	«УАЗ-31514»	2008	90-452 ААА
5.	«УАЗ-31514»	2008	90-448 ААА	26.	«УАЗ-31514»	2009	90-278 САА
6.	«УАЗ-31514»	2003	90-411 ААА	27.	«Nexia»	2006	90-457 ААА
7.	«УАЗ-31514»	2006	90-433 ААА	28.	«УАЗ-31514»	2009	90-281 САА
8.	«УАЗ-31514»	2009	90-284 САА	29.	«УАЗ-31514»	2009	90-276 САА
9.	«УАЗ-31514»	2005	90-447 ААА	30.	«Lacetti»	2010	90-408 ДАА
10.	«УАЗ-31514»	2006	90-419 ААА	31.	«ГАЗ-27053		

ЎЗ ТИЛИДАН ҒУРҲУР ТҮЙҒУСИ

◀ Нега давлат тилига — суверенитетимизга даҳл қилган бирор инсон, бирор мутасадди қонун ҳимоячилари томонидан жазоланганини эшитмадик? Қонунларга амал қилишга, халқимиз ҳаётини яхшилашга, янги авлод тафаккурини ўстиришга масъул одамлар, тизимлар ҳақида ўйлар эканмиз, ана шу тахлит орқилик саволлар барда янглиғ ичимиздан тўкилиб келаверади.

Ўз уйимизда ўз тилимизни жорий этиш учун кейинги йилларда битта қонун, олтига қарор қабул қилинди, Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўзилди, Атамалар комиссияси ташкил қилинди, 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури ишлаб чиқилди. Деярли барча ташкилотда раҳбарнинг маънавий-маърифий ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилинди. Бу сабб-ҳаракатлар, ҳаражатлар, тил — бу, суверенитетимиз белгиси, давлатнинг давлат эканлигини белгилловчи мезонлигини англашимиз учун эканлигини ҳис қилиб турибмиз.

Аммо бизнинг бу истакларимизни ўзгача талқин қилаётганлар, йўқ жойдан шов-шув кўтаришга уринаётганлар ҳам бор. Бир мамлакатда бегона тилининг мактебини ўшлаб туриш ўша мамлакатни ҳўкии остида ўшлаб туришдай гап. Мақсад маълум. Бунинг мақсус буржюмтасалар ва ижорчилари борлиги ҳам кундай равшан. Чанглиш, бу чиқиларга катта эътибор бериш, уларни илҳомлантиради ҳолос.

Асосийси, тилга муносабат масаласида тафаккурда ўзгаришни содир қилиш. Бир кичкина мисол: пойтахти-

мизда, вилоят марказларида, туманларда “Дом продаётся” деган эълонларда тўлиб ётибди. Бу ниманинг белгиси? Яқинда “Нега бошқа тилда ёзиб қўйдингиз? Уйни кимга сотмоқчисиз?” деб, бир-иккитасидан сўраб кўрдим. Улар “Ёзувнинг нима фарқи бор” деб, ажабланишди, давлат тилидан бошқа тилда ёзганлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Бу фожиа эмасми?! “Томчида олам акси бор” деганларидек, ушбу қодайдик оддий одамдан тортиб, катта-катта идоралар, компаниялар раҳбарларида ҳам бор.

Бу ҳол ўз тилидан ғурур масаласига боғлиқ. Бунга ўзгариш фақат алломуларимиз номини бетиним тақдорлайвериб, тилимизга ҳамду сано ўқийвериб билан бўлмайди, деб ўйлаймиз. Давлат тилига амал қилиш, тилини асраб-авайлаб, бойитиш, ундан ғурурланиш туйғусини пайдо қилишнинг, назаримизда, икки воситаси бор — қонун ва бадий адабиёт. Тил ҳақидаги қонунга риоя этишни ҳеч бўлмас камар тақиб, машина ҳайдашни талаб қилгандек талаб этсак ва қонунни бузганни жазоласак, тез орада ҳаммаси ўз ўрнига тушади.

Маълумки, она тилимиз ва миллий адабиётимизнинг бўл ҳазинасини, таровати ва нафосатини авлодлардан-авлодларга фақат бадий адабиёт етказиб келмоқда. Тилдан фахрланиш туйғуси ҳам, сўз бойлигини ошириш ҳам, саводхонлик ҳам фақат бадий адабиёт ўқиш орқали бўлади. Шунинг учун китоб ўқишнинг шарофати ёшларга ибрат бўлсин деб академикларга эътибор ва эъзоз кўрсатилди, шунинг учун Адиблар хиббони яратилди, қатор вилоятларимизда ижод мактаблари ташкил қилинди, энг китобхон мактаб, ма-

халла, оила ва ўқувчига машина ваъда қилинган ва берилмоқда. Шунинг учун ҳар бир хонадонда ўз кутубхонаси бўлишига даъват этиляпти.

Шу ғамхўрликларга қўшимча равишда йўналишидан қатъи назар, барча олий ўқув юртиларига кириш учун синов тестлари топширишдан олдин ишчи ёзиш имтиҳонини жорий қилиш зарур деб ўйлаймиз. Чунки ишчи имтиҳонига тайёрланиш мактаб давриданок китоб ўқиб боришни тақозо қилади. Ана шундай зарурат, мажбурият бўлмас экан, биз истгандек китобхонлик бўлмайди. Китобхонлик миллий руҳ ва ғурурни юксалтириш билан бирга, мустақил фикрлаш, оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларини ҳам шакллантиради. Ҳозир инглиз ҳамда рус тилларини яхши ўзлаштирган ёшларимизнинг ақсариёти ўз она тилида ҳўмла туза олмаётганларига, яъни ўзбекча фикрлай олмаётганларига ғувоҳ бўляймиз.

Тўғри, ишчи имтиҳонига жараёни қўшимча ва оғирроқ иш бўлар, лекин эъвазига биз эртага тил ҳамда унинг бузилиши ҳақида қайғурмаймиз. Болаларимиз китоб ўқимай қўйди, деб қўнмаймиз. Президентимиз табригиде таъкидлаган “давлат бошқарув, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, тиббиёт соҳаларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ҳарбий муассасалар фаолиятида тўлиқ давлат тилида иш юритиш”-ни таъминлаш бўйича мавҳуд муаммолар ҳақида қайғурмаймиз, чунки бу тизимларда мактабдаёқ ўз она тилини сувдай ўзлаштирган, ўз касбиде давлат тилини қўлай оладиган фарзандларимиз ишлаётган бўлади.

Давлат тилининг нуфузини кўтариш учун яна бир жиҳатга эътиборимизни қаратишимиз керак. Охириги йилларда Ўзбекистонда хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари кўпайиб бормоқда. Ҳўш, уларнинг қайси бирида ўзбек тилидан имтиҳон олиниб, кейин талабаликка қабул қилинган? Жавоб йўқ. Ахир дунёдаги барча давлатнинг эшиклари ўша давлат тилини билиш билангина очилади-ку. Ҳўш талабиде бўлган ҳар бир ёш Германияга борса немис, Америкага борса инглиз, Хитойга борса хитой тилини ўрганиб, ўша тилдан дастлабки имтиҳон топширишга мажбур. Ана шу жиҳат ҳам мамлакатда давлат тилининг мақоми қанча эканлигини белгилайди.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мактеини ошириш Президентнинг ёки фақат тил масалалари билан шуғулланувчи муассасаларнинг, ўқитувчи ҳамда ижодкорларнинг иши эмас. Балки ҳаммининг — қўшиқчининг, режиссёрнинг, тикувчидан тортиб қонун посбонлари, барча-барча поғонадаги ходимларнинг, раҳбарларнинг фаолияти, авваламбор, ана шу ғўга, ўзликини англаш, ориятни сақлаш, мустақил фикрлаш, ўз тилини ҳўрмат қилиш орқали бошқа халқларнинг эътиборига, эътирофига сазовор бўлишга қаратиш, албатта, мақсадимизга эришамиз.

Азиз САИД,
Ўзбекистон уюшмаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самордорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳўжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, шоир.

«ҲОКИМ ВА МАКТАБ ДИРЕКТОРИ» ЛОЙИҲАСИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

Бухорода вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан “Ҳоким ва мактаб директори” лойиҳаси тайёрланиб, ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ҳанқорлигиде йўлга қўйилган ушбу лойиҳа доирасиде ҳар бир шаҳар ҳамда туманде ҳоким ва сектор раҳбарлари билан мактаб директорларининг учрашувлари ўтказилляпти.

Ташаббус

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилфуза Мустафоеваннинг фикрича, ҳали мактабларда соҳа ходимларига боғлиқ бўлмаган бир қатор муаммолар бор. Уларга ҳокимларнинг эътиборини қаратиш, билим даргоҳларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳаётий заруратдир. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам шу йилнинг 30 сентябрида ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали тадбирдаги маърузасиде мактаб муаммосига биринчи даражали масала, деб қараш лозимлигини, у нафақат таълим берадиган маскан, балки барчамиз учун юксак маънавият бешигига айланиши кераклигини таъкидлади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

58 МИНГ 363 НАФАР ФУҚАРО ЎЗИНИ ЎЗИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИ

Маълумотларга кўра, ўзини ўзи банд қилишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши натижасиде Самарқанд вилоятида шу йилнинг 20 октябрь ҳолатига қўлай имкониятдан фойдаланиб, вилоят давлат солиқ идораларида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида расман рўйхатдан ўтганлар сони 58 минг 363 нафарни ташкил қилмоқда. Уларнинг ақсариёти масофадан туриб, “Solid” мобил йловаси орқали рўйхатдан ўтляпти.

Бандлик

Амалдаги қонунчиликка кўра, рухсат этилган 67 та фаолият тури кесимида қилшққ ҳўжалиғи йўналиши бўйича хизматлар — чорва ҳайвонлари боқиш, қилшққ ҳўжалиғи экнлари екш ва етиштириш, томорқа эгаларига ёрдам бериш сингари ишлар билан банд бўлган аҳоли энг кўп — 15 минг 771 нафар кишини ташкил этади.

Маиший хизматлар йўналиши, яъни сартарошлик, маниқор, косметолог, уйда кир ювиш ҳамда дэзюмлаш, қалит тил ёрлаш, пойабзал тикиш, таъмирлаш, бўяш ва бошқа шу каби ишлар билан 14 минг 366 нафар ҳамюртимиз шуғулланаётган бўлса, саноат (10 минг 378 нафар), халқ истеъмолки моллари ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш (5 минг 173 нафар), ижтимоий

соҳаларда хизмат кўрсатиш (12 минг 936 нафар), АКТ соҳасиде (639 нафарга яқин) ҳам кўплаб юртдошларимиз самарали фаолият юрляпти.

Айтиш жоизки, ўзини ўзи банд қилган шахслар жорий йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳаққатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш микдорининг камида 50 фоизи, яъни 111 минг 500 сўм микдориде солиқ тўлайди.

Аваллиги тартибга кўра, маэкур тўлов йилга 1 миллион 3 минг 500 сўмни ташкил этар эди. Ушбу сўмма тўлиқлигиче бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, яқка тартибдаги тадбиркорларга ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚ БАНКИ ЭНДИ СИЗГА ЯНАДА ЯҚИН БЎЛДИ



Технологиялар асри имкониятларини қаранг: бугун қўллаб юмушларни ўтирган жойингиздан туриб амалга ошира оласиз. Борган сари хизмат кўрсатишнинг қўлай усуллари ўйлаб топиляпти. Мўҳими, бундан одамлар мамнун.

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан жорий йилнинг 1 май санасиде Жиззах вилоятида ишга туширилган бутунлай янги форматдаги “Call center” бунга яққол мисол. Ҳўш, бу марказ нима ҳам қаромат кўрсатарди, одатдаги боғланиш марказларидан биридир-де, дейишга шошилманг.

Молия муассасаларида

Бир бошидан бошлайлик. Тўғри, бу ерда банк ходимлари томонидан телефон орқали миқозлар мурожаатлари қабул қилинади. Гап шундаки, мурожаатлар шунчаки қабул қилинмайди, балки уларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатилади. Ҳадемай, мессенжер, видеоалоқа ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали ҳам мурожаатларни қабул қилиш бошланди. Бу — умумийроқ қилиб берилган таъриф. Энди янглиқнинг афзаллиқларига батафсил тўхталаямиз.

Бугунги кунда “Call center”да соат 9:00 дан 18:00 га қадар мурожаатлар рузқасиз қабул қилинмоқда. Ҳар бир мурожаатни марказ мутахассиси ўзи ўрганиб, жавоб беради, банк ходимига ўлаб берилмайди. Зарур бўлса, филиал ёки республика ходимига қўнқироқ қилиб, масалага ойдинлик киритади. Қўнқироқ қилиб навбатта тушган ёки улана олмаган миқозларга марказ операторларининг ўзлари қайта қўнқироқ қилишади.

Кейинги босқичда туну кун — 24/7/365 режимида ишлайдиган ушбу марказда миқоз тўғрисидаги маълумотлар йилгилиб, уларнинг эҳтиёжларини

аниқлаш орқали автоматлаштирилган маркетинг ва прогнослаштирилган сотувлар амалга оширилади ҳамда миқозларга янги банк хизмат турлари тақифи этиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда “Call center”да миқозларга қуйдаги хизмат турлари кўрсатилмоқда:

1. Ўйқотилган пластик картани блок-лаш ёки блокдан чиқариш.
2. Пластик карта балансини ва ўтказмалар тарихини билиш.
3. НУМО пластик картаси эгаларига СМС хабарнома хизматини ёқиш.
4. Жисмоний шахслар кредитлари тўловини учун ID рақамларини билиб бериш ва қанча кредит махсўлотларига ариза қабул қилиш.
5. “Мобил-банкнинг” хизматлари — ҳисоб рақам қўиш ёки олиш, блока қўиш ёқуд блокдан чиқариш, мобил банк миқозларга марказ операторларининг ўзлари қайта қўнқироқ қилишади.
6. “Интернет-банкнинг” хизматлари — ҳисоб рақам қўиш ёки олиш, блока қўиш ёқуд блокдан чиқариш.
7. Юридик шахс миқозларга “СМС-

банкнинг” хизматиде керакли ҳисоб рақамларни қўиш ва олиш, телефон рақам қўиш ёки олиш хизматлари.

8. Юридик миқозларнинг Картотека қарздорликлари ҳақида маълумот бериш.

9. Миқоз тўловлари ўтган ёки ўтмаганлигини аниқлаштириш.

10. Миқозлар омонатлари бўйича маълумот олиш.

11. Кредит, омонат, пенсия ва банк соҳасига оид бошқа масалаларда мурожаат қолдирилган ҳақида маслаҳат олишлари мумкин.

Янги “Call center” ишга тушгандан бошлаб октябрь ойига қадар жами 53 215 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг асосий қисми “СМС-хабарнома” хизматини ўлаш ва пенсия масалаларида оиддир. Шунингдек, миқозлар банк махсўлотлари ҳамда хизматларига оид саволлар билан ҳам қўллаб мурожаат қилишган.

“Call center”га келиб тушган муро-

жаатлар бўйича операторлар томонидан бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Кун давомида ҳал қилинмаган мурожаатлар банкнинг ички назорат ва худудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш комплекси билан биргаликда ижобий ҳал этилади. Мана шунақа. Халқ банки янги “Call center” орқали аҳоли ҳамда банк миқозларига қўллаб қўлайликларни тақдим этмоқда.

Қисқаси, уйдан туриб банк хизматларидан фойдаланинг. Бунда Халқ банки сизга яқин қўмақчи бўла олади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

ХўЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИГИНИ СЎЙАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жўмладан:

- рухсатсиз қўрилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ҳамда томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўиш юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасиде қудуқлар қазииш, шўрф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидрув ишларини олиб бориш;
- турли чикиндилар ташлаш, қислот, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАКИКЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза худудларида ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда **ФАКАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириш лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЕР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза худудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишлари бажариб, алоқа кабеллари узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоник шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда ундан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.

МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА КАБЕЛИНИНГ МУҲОФАЗА МАСОФАСИ ХУДУДИДА

2 МЕТР 2 МЕТР

ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Миниат Телефон 1033

ЭСДА ТУТИНГ! Агарда сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза худудларида ер қазииш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада **қисқа 1133 рақамига ёки** «Ўзбек-телеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг худудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисиде кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Корхона, ташкилот ва аҳоли мурожаатлари учун енгиллик яратиш мақсадида, **1133** қисқа рақам — «Мурожаат телефони» ишга тушганлигини ҳамда у орқали ҳам бизнинг вакиллари-миз билан боғланиш мумкинлигини маълум қиламиз.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари: 1133 ёки қуйдагилар:

«ТТТ» филиали Биринчи техник боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй Тошкент 1-кабель участкаси, Тошкент ш., Буюк Йўл к., 264-уй Тошкент 1-кабель участкаси, Хўхтепа 4-тор к., 4-уй Янгийўл 2-кабель участкаси, Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй Янгийўл 2-кабель участкаси, Чиноз т., Серсен к., 30-уй Тўйтепа 3-кабель участкаси, Нуррафшон ш., Спорт к., 45-уй Тўйтепа 3-кабель участкаси, Ангрен ш., Амир Темур к., 2-уй Тўйтепа 3-кабель участкаси, Бектебод ш., Х.Ходжимурадов 2-бек к., 18-А-уй	99-846-84-04, 99-858-84-04 71-234-20-11, 71-235-36-59 (coat 8.00 — 17.00) 71-208-80-45 (coat 8.00 — 17.00) 99-871-19-40 71-250-37-45 (coat 8.00 — 17.00) 99-830-19-34 99-833-19-32, 99-890-19-31 99-869-19-36 99-858-06-80, 99-893-19-37 99-893-19-37 99-871-06-64
«ТТТ» филиали Иккинчи техник боғламаси, Қўқон ш., Янги чорсу к., 264-уй Биринчи кабель участкаси, Янгийўл ш., Ўзустий к., 1-уй Иккинчи кабель участкаси, Бешарик ш., Сирдарё к., 9-уй Учинчи кабель участкаси, Наманган ш., Нуробод даҳаси телеминиора Тўрттинчи кабель участкаси, Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй	99-365-03-79, 99-365-03-84 73-541-76-76, (coat 8.00-17.00) 73-542-34-17, 73-542-21-66 73-529-24-55 (coat 8.00 — 17.00) 99-365-03-48 73-612-23-66 (coat 8.00 — 17.00) 99-365-03-44, 99-365-03-46 69-225-08-82 (coat 8.00 — 17.00) 99-323-60-68, 99-324-90-08 74-223-83-81 (coat 8.00 — 17.00) 99-900-09-45
«ТТТ» филиали Учинчи техник боғламаси, Сирдарё вилояти, Мирзаобод т., Пиллакор қўргони Боғлама ЛХХЭС, Мирзаобод т., Пиллакор қўргони Ҳулистон 1-кабель участкаси, Янгийўл ш., Учинчи к., 1-уй Жиззах 2-кабель участкаси, Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй	99-475-00-05, 99-474-10-09 67-227-16-20, (coat 8.00-17.00) 99-473-97-99, 67-225-49-05 99-470-50-04, 67-227-00-44 72-222-95-07 (coat 8.00 — 17.00) 99-474-60-63
«ТТТ» филиали Тўрттинчи боғламаси, Бўлунғур т., Самарқанд к., 18-уй Биринчи кабель участкаси, Бўлунғур т., Самарқанд к., 18-уй Иккинчи кабель участкаси, Каттақўрғон т., Чиганок қишлоғи	99-599-01-77, 599-99-00, 66-240-08-34, (coat 8.00 — 17.00) 66-442-68-15, 66-240-08-33 99-599-01-66 99-750-02-42, 66-455-24-54
«ТТТ» филиали Бешинчи техник боғламаси, Бухоро ш., Ғафуров к., 69-уй Бухоро 1-кабель участкаси, Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	99-701-11-07, 99-707-76-77 65-221-92-74, 65-221-81-92, (кеча-кундуз) 65-221-92-46, 65-228-53-22 (coat 8.00 — 17.00) 99-707-60-15, 99-707-08-13
«ТТТ» филиали Олтинчи техник боғламаси, Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй Нукус кабель участкаси, Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй Беруний кабель участкаси, Тўртқўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси Қўнғирот кабель участкаси, Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси Жаслык кабель участкаси, Қўнғирот тумани, Жаслык аҳоли пункти Тўйле станцияси	99-954-86-86, 99-955-08-78 61-222-37-07, (coat 8.00 — 17.00) 99-955-11-53, 99-955-68-19 99-955-43-86, 99-955-43-84 99-955-43-67 95-601-05-28
«ТТТ» филиали Еттинчи техник боғламаси, Термез ш., Тараққот к., 32-уй Биринчи кабель участкаси Термез ш., Тараққот к., 32-уй Иккинчи кабель участкаси, Денов ш., Ш.Темуров к., 4-уй	99-675-11-02, 99-675-11-04, 76-223-15-34 76-223-13-85, 76-223-13-79 (coat 8.00 — 17.00) 76-224-22-11 99-675-25-64, 99-378-05-76 99-378-01-64, 76-413-17-71
«ТТТ» филиали Саккинчи техник боғламаси, Қарши ш., Хусниобод к., 1-уй Қарши 1-кабель участкаси, Қарши ш., Хусниобод к., 1-уй Ғузор 2-кабель участкаси, Ғузор ш., Ғузор к., 23-уй	99-665-05-41, 99-665-52-62 75-221-02-41 (coat 8.00 — 17.00) 75-221-17-25, 99-660-05-23 95-505-05-13, 99-660-05-12 75-552-11-67
«ТТТ» филиали Тўққизинчи техник боғламаси, Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	99-965-52-55, 62-223-36-58 99-965-28-78, 99-965-28-38 62-224-51-69 (coat 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Учинчи техник боғламаси, Навоий ш., Садоқат к., 2-Б-уй Биринчи кабель участкаси, Нурота ш., Шароф Рашидов к., 32-уй Иккинчи кабель участкаси, Ғафуров ш., Ғовшон қишлоғи Учинчи кабель участкаси, Учкудук ш., ДЭУ қўргони	99-750-08-38, 99-756-55-99, 93-539-55-99 79-2